

## КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ОЛХЎРИ ЕТИШТИРИШ

**Ражабов Дониёр Бобоёрови**

Навоий илмий-тажриба станцияси директори  
<https://orcid.org/0009-0004-7662-3551>

**Мавлонов Баҳодир Турсунович**

боғдорчилик ва узумчилик агротехника бўлим бошлиғи  
<https://orcid.org/0009-0004-7432-3823>

**Ярашев Комилжон Наимжонович**

боғдорчилик ва узумчилик селекцияси бўлими лаборатория мудир  
<https://orcid.org/0009-0004-7572-3754>

Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти  
Навоий илмий-тажриба станцияси

**Аннотация.** Мақолада Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида олхўрининг “Южная красавица” навининг ҳосилдорлигини аниқлаш юзасидан олиб борилган кузатув натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** олхўри, “Южная красавица” нави, тупроқ-иқлим шароити, ҳосилдорлик, экиш схемаси, агротехник тадбирлар.

**Аннотация.** В статье представлены результаты наблюдений, проведенных по определению урожайности сорта сливы «Южная красавица» в условиях слабозасоленных почв Навоийской области

**Ключевые слова:** слива, сорт «Южная красавица», почвенно-климатические условия, урожайность, схема посадки, агротехнические мероприятия

**Abstract.** The article presents the results of observation carried out to determine the yield of the plum variety «Yuzhnaya Krasavitsa» under the conditions of slightly saline soils of the Navoi region.

**Keywords:** plum, variety «Yuzhnaya Krasavitsa», soil and climatic conditions, yield, planting scheme, agrotechnical measures.

**Кириш.** Ҳозирги кунда дунёда йилига 12 миллион тоннадан ортиқ олхўри етиштирилади. Уларнинг ярмидан кўпи, яъни, 6,5 миллион тоннага яқин маҳсулот Хитойда етиштирилади. Руминия (760,000 тонна), Сербия (580,000 тонна), Чили (420,000 тонна), Эрон (380,000 тонна) ва Туркия (330,000 тонна) давлатлари ҳам олхўри йирик ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланади.

2024 йилда Ўзбекистон 33 минг тонна олхўри маҳсулотларини хориж давлатларига экспорт қилди, пул кўринишида экспорт миқдори 2023 йилга нисбатан 18,5 фоизга ошди. Россия ўзбек олхўри асосий харидорига айланди, бунда экспорт ҳажми 20,7 минг тоннани ташкил этди. Шунингдек, экспортчилар томонидан Қозоғистон ва Қирғизистонга ҳам катта миқдордаги олхўри етказиб берилди бу кўрсаткич мос равишда 10,6 минг ва 1,4 минг тоннани ташкил этди. Деярли 177 тоннани беларуслик харидорлар сотиб олишди [5].

Олхўри таркибида 87% сув, 11% углеводлар, тахминан 1% оқсиллар ва 1%га яқин липидлар, шунингдек кўп миқдордаги турли хил микроэлементлар, керакли миқдордаги биологик моддалар, ўсимлик толалари, витаминлар, пектинлар ва бошқа кўплаб қимматли озик-овқат компонентларини сақлайди. 100 граммида С витамини кунлик миқдорининг 12%и мавжуд бўлиб, бу юқори сифатли ва табиий маҳсулотларни инсон саломатлиги ва организмининг ҳимоя қилиш мақсадида аҳоли рационига киритиш муҳимлигини кўрсатади. Шу сабабли, тўғри агротехник тадбирларни қўллаш орқали қайта ишлашга яроқли олхўри навларини етиштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳимдир.

Ўзбекистонда етиштирилладиган олхўри меваси таркибида 14-21% гача шакар, 0,15-1,35% гача турли кислоталар, 0,15-1,5% гача ошловчи моддалар ва С витамини бор. Олхўри меваси янгиллигида ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Ундан қоқи, компот, мураббо, повидло, пастила, мармелад, шарбат ва бошқалар тайёрланади. Янги узилган олхўри мевасидан ва қоқисидан табобатда цингга касаллигига

қарши восита сифатида фойдаланилади [1].

Олхўри Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларига яхши мослаша оладиган мевали дарахтлардан бири ҳисобланади. Уларни ўстириш жуда осон. Олхўри дарахтлари ўрта юмшоқ бўз ва қумоқ тупроқларда яхши ўсади. Сув ўтказувчанлиги яхши бўлиши учун экишдан олдин тупроққа бир оз қум аралаштирилиши мумкин ёки кўчатларни чел кўринишида йиғилган туроқ устига ҳам экиш мумкин.

Олхўри учун ишлатилладиган пайвандтаглар турли тупроқ шароитларига чидамли ҳисобланади. Уларнинг нисбатан кеч гуллаши баҳорнинг қировли кунларидан сақланишга ёрдам беради ва шу билан бирга уларда турли зараркунанда ҳашаротлар муаммолари кам учрайди.

Олхўри етиштиришда мўл ва сифатли ҳосил олиш учун шамолдан ҳимояланган, кўёш нурлари яхши тушадиган, кучли шамолдан ҳимояланган ерлар танланиши лозим. Кўчатларнинг илдиз бўйни ер сатҳидан 3-5 см пастга олдиндан тайёрланган чуқурларга экилади. Кўчатларни парвариш қилиш суғориш (айниқса қурғоқчиликда ва ўрим-йиғимдан кейин), тупроқни юмшатиш, кўчат атрофини мулчалош, шакл бериш, шунингдек касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ва ўғитлаш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Олхўри ўтган йилги бир йиллик куртакларида ҳам, ҳар хил ўсиб чиққан новдаларда ҳам мева беради. Дарахтлардаги новдалар вегетатив куртак билан тугайди ва уларнинг ён куртаклари гулли куртаклардан иборат бўлади.

Ўсаётган новдаларда вегетатив куртак бўлмаса, улар вегетация даври тугаганидан кейин нобуд бўлади. Кўп йиллик ўсган новдалар мевали новда ҳосил қилиш учун шохланади.

Мева дарахтларнинг кўпчилиги навлари ўз-ўзидан ҳосил бერмайди. Балки бошқа навлар билан чангланишини талаб қилади. Ўзидан чангланадиган навлар ҳам четдан чангланган тақдирда мўл ва сифатли ҳосил беради.

Гулларнинг тўла чангланиши учун ҳар 10-12 асосий қатордан кейин бир-икки қаторга бир-иккита чангловчи нав

экилади. Олхўри – чанглатувчини талаб қиладиган мевадир. Чангланиш муаммоси бўлган мева турларидан боғ барпо этилиши керак бўлса, боғда икки ёки ундан ортиқ чанглатувчи тур бўлиши керак [3].

Олхўри дарахтларини ўғитлаш мевалар сифатига ҳам таъсир қилади, уларнинг вазни ўртача 15% гача ортади, меваларнинг ранги яхшиланади. Тупроқдаги озиқмоддаларнинг энг кўп қисмини дарахтлар мева, сўнгра эса барг ҳосил қилишга ва шу йилги новдаларнинг ўсишига сарфлайди. Дарахт қанча қари бўлса, у ердан озиқ моддаларни шунча кўп ўзлаштиради. Йил давомида ўсимлик озиқ моддаларнинг кўп қисмини ўсиш даврининг биринчи ярмида, асосан баҳорда, яъни жадал ўсаётганда ва тугунчалар ривожланаётганда, сўнгра эса ўсув даврининг иккинчи ярмида, шох-шаббалари йўғонлашаётганда, мевалари катталашаётганда муҳим даврлар ҳисобланади [2].

Ҳосилли олхўри боғларга 2–3 йилда бир маротаба гўнг (гектарига 20–40 т) ҳар йили минерал ўғит (гектарига соф ҳолда 120 кг азот, 90 кг фосфор, 70 кг калий) солинади. Гўнг бўлмаса ўғитлар миқдори 30–40% кўпайтирилади. Уч йилда бир маротаба фосфор-калий (гектарига P-180, K-90 кг/га соф ҳолда) ўғити солиниб, ер чуқур (40–45 см) шудгор қилинади. Фосфор, калий ўғитлари ва гўнг кузги шудгор олдида солинади, азот ўғити дарахт гуллашидан 2–3 ҳафта олдин гектарига 120 кг/га (соф ҳолда) миқдорида 20–25 см чуқурликка солинади. Шағалли тупроқ ерларда ўғитлар миқдори 50% кўпайтирилади, азот уч маротаба – баҳорда, июнь ва июль ойларида солинади.

Ҳар галги ва мавсумда бериладиган сув меъёрлари мева дарахтларининг ёшига, тупроқнинг механик таркиби сизот сувининг сатҳига, ҳосилнинг кўп-камлигига ва бошқа омилларга қараб белгиланади. Ёш олхўри боғлари учун амалда қўлланилиб келинган суғориш меъёри гектарига 500 м<sup>3</sup>/га, ҳосилга кирган боғлар учун суғориш меъёри 800-1000 м<sup>3</sup>/га чегарасида ўзгариб туради. Шағал тошли, сизот сувлари яқин жойлашган ерларда бу меъёр гектарига 300-500 м<sup>3</sup>/га гача камайирилади. Яҳоб сувини бериш меъёри гектарига 1200-1500-2000 м<sup>3</sup>/га [1].

Олхўри боғларини парвариш қилиш агротехник тадбирларини амалга оширишда вақтдан унумли фойдаланиш, қатор ораларидан самарали фойдаланиш учун еса экинларни тўғри танлаш, уларни уззоқ муддат бир ҳил тарзда экмасдан алмашлаб экиш схемасини тўғри ташкил этиш, боғ қатор ораларини сифатли қилиб ҳайдаш ҳамда элементар жиҳатларга ҳам эътибор бериш зарур. Бу билан боғ қатор ораларидан ҳам қўшимча даромад олишдан ташқари етиштирилаётган олхўри меваларини ҳам серҳосил ва сифатли бўлишига эришиш мумкин [5].

**Материаллар ва услублар.** Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Навоий илмий-тажриба станцияси Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган бўлиб, тупроғи типик бўз тупроқ ҳисобланади. Сизот суви сатҳи 2,5-3,0 м оралиғида жойлашган ва бу мавсум давомида турли муддатларда кўтарилиб туради.

Тадқиқотлар Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Навоий илмий-тажриба станциясида олиб борилди. Илмий изланишлар дала тажрибаси усулида ташкил этилди. Тадриба ишларини ўтказишда мева экинлари бўйича қабул қилинган услубий қўлланмалар ва тавсиялардан фойдаланилди.

Кузатиш ва ҳисоб-китоб ишлари “Мева экинлари бўйича дала тажрибаларини ўтказиш методикаси” ҳамда “Мевачилик асослари” адабиётларида келтирилган услубларга асосланган ҳолда амалга оширилди. Дарахтларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича фенологик кузатишлар олиб борилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳар бир дарахтдан

олинган мева вазнини ўлчаш орқали аниқланди ва гектар ҳисобида қайта ҳисоблаб чиқилди.

Олинган натижалар статистик таҳлил қилиниб, агротехник тадбирларнинг самарадорлиги баҳоланди.

**Натижалар ва мунозара.** Шунингдек тажриба даласи тупроғи таҳлил қилинганда, тупроқнинг 0-30 см қатламидаги гумус миқдори 1,25%, умумий азот-0,19%, умумий фосфор-0,28%, нитратли азот-12,7 мг/кг, ҳаракатчан фосфор-18,7 мг/кг ва алмашинувчан калий миқдори 177 мг/кг ни ташкил этган бўлса, тупроқнинг 30-50 см қатламидаги миқдори мос равишда 0,74%, 0,03%, 0,12%, 7,1 мг/кг, 12,9 мг/кг ва 156 мг/кг эканлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида ҳам олхўри етиштириш учун муайян даражада қулай муҳит мавжудлигини кўрсатади. Айниқса, тупроқдаги калий ва фосфор элементларининг нисбатан етарли миқдорда бўлиши меваларнинг шаклланиши ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тажриба станциясида олхўрининг “Южная красавица” нави экилган майдон 3,5 га ни ташкил этиб, дарахтлар 2011 йилда 6х3 схемада жойлаштирилган. Ҳозирги вақтда дарахтларнинг бўйи ўртача 4 метрни ташкил этади.

Жорий 2025 йилда Навоий тажриба станциясида олхўри етиштиришда қўлланилиши лозим бўлган барча агротехник тадбирлар, дарахтларга шакл беришнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши натижасида ушбу майдонлардан ўртача 40 т/га олхўри меваси ҳосили олинди. Жумладан, суғориш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, дарахтларга шакл бериш ва химоя тадбирларини ўз вақтида ўтказиш натижасида тажриба майдонида юқори ҳосилдорликка эришилди. Ҳар бир туп дарахтдан ўртача 73,5 кг дан ҳосил тўғри келди.

Шунингдек, тажриба натижалари шуни кўрсатдики, кучсиз шўрланган тупроқларда ҳам тўғри агротехник тадбирларни қўллаш орқали олхўри етиштириш самарадорлигини ошириш мумкин. Бу эса нафақат ҳосилдорликни кўпайтириш, балки экспортбоп ва сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини ҳам кенгайтиради.

**Хулоса.** Навоий вилоятининг тупроқ-иқлим шароитидаги ноқулайликларга қарамаздан, олхўри етиштириш учун жуда қулай эканлиги олинган натижаларда ўз аксини топган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида олхўрининг “Южная красавица” нави яхши ўсиб-ривожланиши ва барқарор ҳосил бериши аниқланди. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ва тўғри қўллаш натижасида ўртача 40 т/га гача ҳосил олиш имконияти мавжудлиги кузатилди.

Тадқиқот натижалари ушбу нави Навоий вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида кенг миқёсда экиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Олхўри етиштириш // 100 китоб тўплами, 54-китоб. Тошкент – 2021;
2. Останақулов Т.Э., Исламов С.Я., Хонқулов Х.Х., Санаев С.Т., Холмирзаев Д.К. “Мевачилик ва сабзавотчилик”. С., 2011. – б. 232-250;
3. Останақулов Т.Э., Нарзиева С., Фуломов Б.Х. “Мевачилик асослари”. С., 2011. –б. 152-155;
4. Рибоқов А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., «Ўқитувчи», 1981.– б. 4-100;
5. Эргашов А.И., Эргашова К.А. Олхўри боғлари қатор ораларига ишлов бериш ва дарахтларни парвариш қилиш. // Янги Ўзбекистон илмий тадқиқотлар журнали. 2024 й. 1-жилд, 15-сон. 12-б.
5. <https://uz.kursiv.media/2025-01-27/uzbekistan-uvlechil-eksport-sliv-na-185/>